

ISSN 2181-5674

PROBLEMS OF
BIOLOGY *and*
MEDICINE

БИОЛОГИЯ *ва*
ТИББИЁТ
МУАММОЛАРИ

2020, № 6 (124)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE**

**БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ
МУАММОЛАРИ**

**ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ
И МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по теоретическим и практическим
проблемам биологии и медицины
основан в 1996 году
Самаркандским отделением
Академии наук Республики Узбекистан
Выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ж.А. РИЗАЕВ

Редакционная коллегия:
*Н.Н. Абдуллаева, С.А. Блинова,
К.Э. Рахманов (ответственный секретарь),
С.С. Давлатов, А.С. Даминов, Ш.Х. Зиядуллаев,
З.Б. Курбаниязов (зам. главного редактора),
Б.Б. Негмаджанов, М.Р. Рустамов, Н.А. Ярмухамедова*

*Учредитель Самаркандский государственный
медицинский институт*

2020, № 6 (124)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,
г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18.

Телефон:

(99866) 233-36-79

Факс

(99866) 233-71-75

Сайт

<http://pbim.uz/>

e-mail

pbim@pbim.uz
sammi-xirurgiya@yandex.ru

О журнале

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Самаркандской области
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

Журнал внесен в список,
утвержденный приказом № 219/5
от 22 декабря 2015 года реестром ВАК
в раздел медицинских наук

Индексация журнала



Редакционный совет:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
М.М. Амонов	(Малайзия)
Т.У. Арипова	(Ташкент)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
А.В. Девятов	(Ташкент)
Б.А. Дусчанов	(Ургенч)
А.Ш. Иноятов	(Бухара)
А.И. Икрамов	(Ташкент)
А.К. Иорданишвили	(Россия)
Б. Маматкулов	(Ташкент)
Ф.Г. Назиров	(Ташкент)
А.М. Шамсиев	(Самарканд)
А.К. Шодмонов	(Ташкент)
А.М. Хаджибаев	(Ташкент)
Б.З. Хамдамов	(Бухара)
М.Х. Ходжибеков	(Ташкент)
И.И. Затевахин	(Россия)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
В.М. Розинов	(Россия)
Л.М. Рошаль	(Россия)
Rainer Rienmuller	(Австрия)

Подписано в печать 05.01.2021.

Формат 60×84 1/8

Усл. п.л. 34,18

Заказ 4

Тираж 100 экз.

Отпечатано

в типографии СамГосМИ.

140151, г. Самарканд,

ул. Амира Темура, 18

<p><i>Ибрагимов Б.Ф., Ибрагимова Н.С., Хамроева Л.К.</i> Этиопатогенетические, клинические и лабораторно-инструментальные аспекты диагностики синдрома поликистозных яичников у женщин</p>	<p>250</p>	<p><i>Ibragimov B.F., Ibragimova N.S., Khamroeva L.K.</i> Ethiopathogenetic, clinical and laboratory instrumental aspects of diagnostics of polycystic ovarian syndrome in women</p>
<p><i>Мардиева Г.М., Абдурахмонова Ю.М.</i> Ультразвуковая анатомия вен нижних конечностей и их клапанного аппарата</p>	<p>252</p>	<p><i>Mardieva G.M., Abdurakhmonova Yu.M.</i> Ultrasonic anatomy of the lower limbs and their valve apparatus</p>
<p><i>Муратова Г.С., Қаришьева Д.Р.</i> Шифобахш ўсимликларнинг инсон саломатлигидаги ўрни</p>	<p>256</p>	<p><i>Muratova G.S., Karshiyeva D.R.</i> The role of curative herbs in person healthy</p>
<p><i>Назарова Ф.Ш., Джуманова Н.Э., Тошмаматов Б.Н., Коржавов Ш.О.</i> Экологическое группирование фитонематод</p>	<p>258</p>	<p><i>Nazarova F.Sh., Dzhumanova N.E., Toshmamatov B.N., Korzhavov Sh.O.</i> Ecological grouping of phytonemades</p>
<p><i>Олланова Ш.С., Абдуллаева Н.Н.</i> Паркинсонизм касаллигига хос оғриқ синдроми муаммосига бўлган замонавий қарашлар</p>	<p>262</p>	<p><i>Ollanova Sh.S., Abdullaeva N.N.</i> Modern views on the problem of pain in parkinson's disease</p>
<p><i>Очилов У.У., Тураев Б.Т., Турғунбоев А.У.</i> Ўсмирларда депрессив бузилишларнинг тарқалиши</p>	<p>265</p>	<p><i>Ochilov U.U., Turaev B.T., Turgunboev A.U.</i> Prevalence of depressive disorders in adolescents</p>
<p><i>Сафоева З.Ф., Мухаммадиева Л.А.</i> Современные представления о влиянии кесарева сечения на состояние здоровья новорожденного</p>	<p>269</p>	<p><i>Safoeva Z.F., Mukhamadiyeva L.A.</i> Current understanding of the impact of caesarean section on the health of a newborn</p>
<p><i>Холмуродова З.Э.</i> Семизлиги бор болалар ва ўсмирларда юрак-қон томир тизимининг ҳолати</p>	<p>274</p>	<p><i>Kholmuradova Z.E.</i> The state of the cardiovascular system in children and adolescents with obesity</p>
<p><i>Холов Ё.Д., Толибова З.Х., Қаришьева Д.Р.</i> Юқори нафас йўллари касалликларини халқ табобати ёрдамида даволаш</p>	<p>279</p>	<p><i>Kholov Yo.D., Tolibova Z.H., Karshiyeva D.R.</i> Treatment of the upper breath ways with the aid of people medicine</p>
<p><i>Хусайнова Ш.К., Мухаммадиева Л.А., Умарова С.С.</i> Болаларда қайталанувчи бронхит ҳақида замонавий тушунчалар</p>	<p>282</p>	<p><i>Khusainova Sh.K., Muhamadiyeva L.A., Umarova S.S.</i> Modern concepts of recurrent bronchitis in children</p>
<p><i>Ҳамраев А.Х., Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д.</i> Қизилўнгачнинг тузилиши ва нерв билан таъминланиши ҳақида замонавий маълумотлар</p>	<p>286</p>	<p><i>Khamrayev A.Kh., Oripov F.S., Dekhkanov T.D.</i> Modern data on the structure and innervation of the esophagus</p>
<p><i>Султанов С.Н., Фазилова М.О., Абдусаматов А.У.</i> Оптимизация диагностики хронического эндометрита при генезе неразвивающейся беременности</p>	<p>291</p>	<p><i>Sultanov S.N., Fazilova M.O., Abdusamatov A.U.</i> Opnimization of the diagnosis of chronic endometritis in the genesis of undeveloped pregnancy</p>

УДК: 615.32/612*612.014.4.

ШИФОБАХШ ҲСИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИДАГИ ҲРНИ

Муратова Гулсара Саидовна, Қаршиева Диловар Рустамовна
Бухоро давлат университети, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

РОЛЬ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ В ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА

Муратова Гулсара Саидовна, Қаршиева Диловар Рустамовна
Бухарский государственный университет, Республика Узбекистан, г. Бухара

THE ROLE OF CURATIVE HERBS IN PERSON HEALTHY

Muratova Gulsara Saidovna, Karshiyeva Dilovar Rustamovna
Bukhara State University, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: muratovag270@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада шифобахш ҳсимликларнинг турлари, турли хил касалликларни халқ табиобати ёрдамида даволаш усуллари, организм имун тизимини шифобахш ҳсимликлар ёрдамида қандай қилиб ошириш мумкинлиги тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: репродуктив ативор, гастрит, колит, бактерицид, конъюнктивит, алкалоидлар.

Abstract. This article provides information about the types of medicinal plants, methods of treating various diseases using traditional medicine, and how to increase the body's immunity with the help of medicinal plants.

Key words: reproductive health, gastritis, colitis, bactericide, conjunctivitis, alkaloids.

Маълумки, инсон ўзига керакли бирон бир буюм ишлаб чиқиши, инсонга хос ва мос ҳаёт кечириши учун, энг аввало, соғлигининг мустаҳкамлигига эга бўлиши лозим. Чунки, соғлом инсонгина ўзининг табиий ва ижтимоий имкониятларини ҳаётга тадбиқ эта олади. Инсон саломатлиги аввало унинг турмуш тарзига, овқатланиш тартибига, хулқ-атвор омилларига, жисмоний фаоллигига, репродуктив ативор, яъни, медицинаментларни қўллаш шароити, бўш вақтини қандай ўтказиш каби омилларга боғлиқ[1]. Саломатлигининг инсон шахсининг маънавий-ахлоқий сифатлари билан боғланган қисми кўп жиҳатдан шахсининг маънавий саломатлик даражасини белгилайди. Маънавийлик гарчи инсон ҳаётига хос сифат бўлсада, аммо, тўғма хусусият эмас, шу сабабли ўтган авлодларимиз томонидан тўпланган маънавий қадриятлар, ахлоқий меъёрларни ҳар бир шахс томонидан ўз онгида қайта ишлаш жараёнида шакллантириладиган олий сифатдир [3]. Инсон организмда содир бўладиган турли хил касалликларни даволашда нафақат илмий билимларга асосланган ҳолатда, балки халқона усулларда даволаш ҳам қўлланилади. Алой - халқ табиобатида алой баргидан ва унинг ширасидан турли касалликларни: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яралари, ўпка силлини даволашда фойдаланилади. Ўпка силлини даволашда алой баргини ёки унинг ширасини асал ва чўққаниннг ички ёғи билан ара-

лаштириб пиширилади ва беморга истеъмол қилишга берилади. Алой барги терини пичоқ ёки бошқа нарса билан кесиб олганда йиринглаб кетмаслиги учун унга даво бўлади. Бунинг учун алой баргини ўртасидан узунасига ёриб, шу кесилган жойга қўйиб боғланади. Тиббиётда қўллаш учун алойнинг янги йиғилган баргидан шира олинади ва спирт билан консерваланади. Шира бактерицид хусусиятга эга бўлиб, қўйган жойни, тропик, юкумли ва бошқа яраларни ҳамда меъда ва ичакнинг баъзи касалликлари (гастрит, колит ва бошқалар) ни даволашда ишлатилади. Алой баргидан биогеи стимуляторларга бой экстракт тайёрланади. Биогеи стимуляторларга бой препаратлар организмнинг касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Шунинг учун алой баргидан тайёрланган биогеи стимуляторли суяқ экстракт кўз касалликлари (конъюнктивит, кўз шишасимон таначасининг хираланиши ва бошқалар)ни сурункали артрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси ҳамда бошқа касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Анжир- бўйи 8 м гача етадиган мевали дарахт. Анжирнинг меваси ширин ва мазаси ёқимли бўлгани учун унинг турли навлари Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида кенг миқёсда ўстирилади. Ҳсимлик меваси ва барги сут ширага бой. Барги таркибида фуурокумаринлар ва бошқа бирикмалар учрайди. Абу Али ибн Сино анжир ме-

васини балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи дори сифатида ишлатган. Балғам кўчирувчи восита сифатида анжир мевасини ейишни ва йўтал қолдириш учун эса мевани сутда қайнатиб истеъмол қилишни буюрган. Халқ таъоботида анжир мевасидан ёки баргидан олинган сут шира яралар ва хусибузарга даво қилинади. Булардан ташқари, анжир меваси ва ундан тайёрланган дамлама меъда-ичкак, камқонлик ҳамда йўтал ва кўкйўтал касалликларини даволашда ишлатилади. Шамоллаганда илиқ дамлама билан томоқ чайилади. Анжир мевасидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига эзилган мевадан бир қошиқ солинади ва 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Анор- бўйи 1,5-2 м гача етадиган бута бўлиб, пўстлоғи таркибида алкалоидлар, ошловчи ва бошқа моддалар, мева пўстида кўп миқдорда ошловчи моддалар, меванинг таркибида витамин С, органик кислоталар, қандлар ва бошқа бирикмалар бўлади. Анор қадим замондан бери турли касалликларни даволашда ишлатиб келинади. Абу Али ибн Сино анор пўстини яраларни даволашда ҳамда қон тупурганда, милқдан қон оққанда, меъда касалликлари (ич кетиш, қон аралаш ич кетиш) да, сийдик ҳайдаш, тишни мустаҳкамлаш учун ишлатган. Халқ таъоботида анор пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули кўтир, қуйганда даволашда, шунингдек, йўтал, ич кетиш, дизентерия, сариқ касалликлариди ҳамда қон тўхтатувчи (қон тупурганда, милқдан қон оққанда), оғриқ қолдирувчи, сийдик ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Тиббиётда анор илдизи пўстлоғидан олинган доривор препаратларга сасимон гижжаларни ҳайдаш учун, мева пўстининг қайнатмаси эса ич кетиш, қон аралаш ич кетиш ва дизентерия касалликларини даволашда ишлатилади. Анор мевасининг пўстидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади, устига бир чой қошиқда майдаланган мева пўстидан солиб, бир оз қайнатилади ва 2 соат давомда дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Далачой (қизилпойча, сариқчой, чойўт)- Далачой кўп йиллик, бўйи 30-100 см га етадиган ўт ўсимлик. Тиббиётда далачойнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаш даврида уни учидан 15-20 см узунликда ўриб олинади ва соя ерда қуритилади. Сўнгра янчиб, галвирдан ўтказиб олинади. Йирик поялари ташлаб юборилади. Далачой таркибида флавоноидлар, эфир мойи, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино далачой ўсимлигини турли яраларни даволашда ҳамда оғриқ қолдирувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатган. Халқ таъоботида далачойнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама буйрак, қовуқ, меъда-ичкак касалликларини даволашда қўлланилади. Булардан ташқари, қон

тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Янги узиб олинган баргни майдалаб, эзиб, ярага қўйиш тавсия этилади. Далачой ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 10 г солинади ва дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Дамламадан қунига 2-4 маҳал оққатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади. Далачой ўсимлигининг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик ва яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга бўлганлиги учун тиббиётда оддий, йиринглаган яралар, қуйган жой, чипқон ва бошқа йирингли жараёнларни даволаш учун ишлатилади.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёти учун аҳамиятли бўлган мақсад сари интилиши, мураккаб вазиятларда иккиланмаслик ва мақсадни йўқотиб қўймаслик, фаолиятини тўғри ташкил эта биллиши унда юксак кўтаринкилик ва мустаҳкам саломатлик олиб келади. Зотан, мақсад томон интилиш инсонни ҳаракатлантирувчи бирламчи куч бўлиб, унинг соғломлигини таъминлайди. Инсон мустаҳкам саломатликка эга бўлгандагина, бахтли бўлиб яшashi мумкин. Зеро, саломатликдек бебаҳо бойликни асраб-авайлаш хотиржам ҳаёт кафолати эканлигини ҳар бир киши чуқур англаб етсагина, хасталик ва у билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга муваффақ бўлиш мумкин. Шу боис, ҳар бир инсон энг аввало, ўзи, оиласи ва яқинларининг саломатлиги учун масъул бўлиши лозим. Бунда ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, уни олдини олиш осон ва самарали эканлигини унутмаслик лозим [2].

Адабиётлар:

1. Қаршиева Д.Р., Муратова Г. С., Шарофутдинова Р. И. – “Валеология” ўқув-услубий қўлланма - 2015.- 17 б
2. Қаршиева Д.Р. “Оилада соғлом турмуш тарзининг маънавий асослари” -2016.- 313 б
3. Қаршиева Д.Р. “Оилада соғлом турмуш тарзини ташкил этиш масалалари” Термиз 2016. -215 б
4. Холматов Ҳ.Х., Махсумов М.Н., Ўрмонова Ф.Ф. “Тери касалликлариди ишлатиладиган доривор ўсимликлар”-Т: Ибн Сино, 1994 й. - 4 б

РОЛЬ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ В ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА

Муратова Г.С., Қаршиева Д.Р.

Аннотация. В этой статье представлена информация о видах лекарственных растений, методах лечения различных заболеваний с помощью народной медицины, о том, как с помощью лекарственных растений повысить иммунитет организма.

Ключевые слова: репродуктивное здоровье, гастрит, колит, бактерицид, конъюнктивит, алкалоиды.